

## Ўзбекистонда энергетик барқарорлик: қайта тикланадиган манбалар билан янги даврга қадам



Энергетика иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражасининг асоси ҳисобланади. Ўзбекистонда саноатнинг ривожланиши, шаҳарлашув ва аҳоли сонининг кўпайиши туфайли электр энергиясига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Бироқ мавжуд энергия ишлаб чиқариш қувватлари бу талабни тўлиқ қондира олмайди, бу эса мунтазам электр ўчиришлар ва айниқса, қиш ойларида энергия истеъмолини чеклашга олиб келади. Бу муаммоларни ҳал қилишнинг ҳаммага маълум йўлларида бири қайта тикланадиган энергия манбаларини (ҚТЭМ), жумладан, куёш, шамол ва сув энергиясини ривожлантириш ҳисобланади. Мен таклиф қилмоқчи бўлаётган гоё, юқорида санаб ўтилганлардан фарқли равишда, йўловчиларнинг юришидан ҳосил бўлган кинетик энергияни электроэнергияга айлантиришдан иборат. Бу вазифани бажарувчи қурилманинг номи “smart” тротуар плиткалари бўлиб, Британиянинг “Pavegen” компанияси томонидан ишлаб чиқарилади. **Pavegen технологияси** қадамлар натижасида ҳосил бўладиган кинетик энергияни улаб, уни фойдали электр энергиясига айлантиради. Компаниянинг пол плиткалари қадамлар босими орқали электр энергиясини ишлаб чиқарувчи бир қатор электромагнит генераторларини ўз ичига олади. Кейинчалик ушбу энергия

сақланиши ёки яқин атрофда жойлашган қурилмалар, масалан, ёритиш тизимлари ёки транспорт тизимларини энергия билан таъминлаш учун ишлатилиши мумкин. Компаниянинг таъкидлашича, унинг одатда жамоат жойларида қўлланиладиган тротуар плиткасига ҳар бир пиёда қадам босганда 7 ваттгача энергия ишлаб чиқариши мумкин. Агар ушбу плиталар бизнинг шароитимизда, метро бекати ва ер ости йўлларига ўрнатилса, ва бу жойларда бир кунда тахминан 1 миллионга яқин одам бўлишини инобатга олсак, кунига ушбу плиталар 7 мегаваттгача энергия ишлаб чиқаролади. Бу эса, нафақат плиталар ўрнатилган комплексларни ўзини ўзи электроэнергия билан таъминлаш, балки ортиб қолган энергияни бошқа соҳаларга, жумладан, уй-жой электр таъминоти, жамоат хизматлари ва ёритиш тизимига йўналтириш имконини беради. Агарда, бу технологияни Pavegen компанияси билан шартнома тузган ҳолда, Ўзбекистонга олиб келиб, жамоат жойларига ўрнатиб синаб кўрсак, ва кейинчалик унинг ишлаб чиқарилишини юртимизда йўлга қўйсак, келажакда электр энергиясини ишлаб чиқаришда табиий ресурслардан фойдаланишни тўхтатишга эришишимиз мумкин.